

UDK: 632.7:633.11

РЕСПУБЛИКАДА БУҒДОЙНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Бабабеков Қаландар, Аламурастов Райимжон Абдимурот ўғли, Сағдатова Маҳбуба
Жураевна, Мустафаев Хумоюн Бўрон ўғли

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий тадқиқот институти

Abstract: In 2024, during our observations in the regions of our republic, the distribution area of the main pests of grain was studied. Among the main pests, it was found that the occurrence and damage of thrips, wheat thrips, and grain aphids in plants is high, and if countermeasures are not taken, the impact on productivity is high.

Key words: Wheatworm, pest, borer, gnat, thrips, aphid, pest, slimy worm.

Кириш. Бугунги кунда дунёда инсон тамонидан ечиш керак бўлган муҳим муаммолардан бири озиқ-овқат, аҳолини озиқ-овқатга бўлган еҳтиёжини қондириш ҳисобланади. Бу еҳтиёжини қондириш учун буғдой (*Triticum aestivum* L.) дан юқори ҳосил етиштириш керак бўлади. Буғдой инсонлар учун тўйимлилиг жиҳатан бошоқли экинлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Шунинг учун у асосий экинлардан бири ҳисобланиб одамларнинг 35% озиқ-овқатга бўлган талабини қондиради [3;4,6].

Буғдой ҳосилдорлигининг пасайишига асосий сабаблардан бўлган биотик омиллардан буғдой билан озиқланадиган зараркунандалар етказадиган зарар ҳисобланади, натижада буғдой ҳосилнинг пасайишига олиб келади [1;10]. Буғдой зараркунандалари орасида асосан дон шираларининг 6 та тури, хасванинг 4 та тури, трипсининг 6 та тури ва шилимшиқ кўртларнинг 1 та тури зарарлаши маълум [2].

Тадқиқотларимизни 2024 йил Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Фарғона ва Наманган вилоятларда буғдой зараркунандалари бўйича мониторинг ишлари олиб борилди. Белгиланган ҳудудларда буғдой асосий зараркунандалари сифатида зарарли хасва, шилимшиқ курт, буғдой трипси ва ғалла ширалари устида кузатувлар олиб борилди.

Буғдойнинг асосий зараркунандаларнинг пайдо бўлиш вақти, популяциясини ҳисоблаш умумий қабул қилинган Поляков ва б., (1984); Осмоловский Г.Е., Бондаренко

Н.В., (1978), усулларга мувофиқ амалга оширилди [7;8;11]. Зараркунанданинг бир тупдаги сони ва буғдойзордаги популяцияси зичлигини аниқлашда логарифмлар шкаласидан фойдаланилди [5].

Республикамиз ҳудудларида табиий иқлим шароитлари турлича бўлганлиги сабабли зараркунандалар турларининг тарқалиши ҳам турлича бўлади. Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятлари ғаллазорларида зарарли хасва кўп учраб зарар етказиши кузатилди. Бухоро, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ғаллазорларида зарарли хасва билан бирга мавр қандаласи, найза бошли хасва, тоғ хасваси учраган бўлсада, уларнинг популяция зичлиги юқори миқдорда бўлмаслиги аниқланди.

Ғалла асосий зараркунандаларининг тарқалиши бўйича 3 гуруҳга: биринчи гуруҳ - кам тарқалган ҳудудлар, иккинчи гуруҳ – ўртача тарқалган ҳудудлар ва кўп тарқалган ҳудудларга бўлдик (1-жадвал).

Ғалла сўрувчи зараркунандаси зарарли хасванинг вилоятлар бўйича тарқалишини кузатувларимиз натижаларига асосланиб 3 гуруҳга бўлдик: биринчи гуруҳ - кам тарқалган ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти), иккинчи гуруҳ – ўртача тарқалган ҳудудлар (Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари), учинчи гуруҳ – кўп тарқалган ҳудудлар (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари) ғаллазорлари кирди.

Шилимшиқ қуртнинг вилоятлар бўйича тарқалишини кузатувларимиз натижаларига асосланиб 3 гуруҳга бўлдик: биринчи гуруҳ - кам тарқалган ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти), иккинчи гуруҳ – ўртача тарқалган ҳудудлар (Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари), учинчи гуруҳ – кўп тарқалган ҳудудлар (Самарқанд, Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари) ғаллазорлари кирди.

Буғдой трисининг вилоятлар бўйича тарқалишини кузатувларимиз натижаларига асосланиб 3 гуруҳга бўлдик: биринчи гуруҳ - кам тарқалган ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти), иккинчи гуруҳ – ўртача тарқалган ҳудудлар (Бухоро, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари), учинчи

гуруҳ – кўп тарқалган ҳудудлар (Самарқанд, Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари) ғаллазорлари кирди.

Ғалла шираларининг вилоятлар бўйича тарқалишини кузатувларимиз натижаларига асосланиб 3 гуруҳга бўлдик: биринчи гуруҳ - кам тарқалган ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти), иккинчи гуруҳ – ўртача тарқалган ҳудудлар (Бухоро, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари), учинчи гуруҳ – кўп тарқалган ҳудудлар (Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари) ғаллазорлари кирди.

1-жадвал

Республиканинг турли ҳудудларида буғдой зараркундаларининг тарқалиши бўйича мониторинги

№	Вилоятлар	Туманлар	Зараркундаларнинг тарқалиши, %			
			Зарарли хасва	Шилимшиқ кўрт	Буғдой трипси	Ғалла ширалари
1.	Тошкент	Қибрай, Қуйи Чирчиқ	41,5	36,1	41,0	43,1
2.	Сирдарё	Сардоба, Гулистон	25,4	12,0	35,1	40,7
3.	Жиззах	Шароф Рашидов, Пахтакор, Ғаллаорол	26,7	21,4	33,8	37,4
4.	Самарқанд	Паяриқ, Иштихон, Ургут, Тайлоқ, Пастдарғом, Булунгур, Оқдарё	22,5	17,1	29,0	35,1
5.	Қашқадарё	Касби, Яккабоғ, Китоб, Шахрисабз, Қарши	29,4	23,0	32,0	26,7

Кураш чоралари. Бу зараркундалар ичида ғалла ширалари ва шилимшиқ кўртларга қарши *Bacillus thuringiensis* бактерияси асосида тайёрланган биопрепаратлардан: Биотурин, 2,0- 3,0 л/га; Экобак суюқ, 3,0 л/га; Престиж плюс, эм.к. 3,0-4,0 л/га. Буғдой трипси ва зарарли хасвага қарши *Beaveria bassiana* асосида тайёрланган замбуруғли препаратлардан Биослип БВ суюқ. препаратини 3,0 л/га сарф меъёрида қўлланилганда, агар иқтисодий зарар мезонидан ошганда ушбу зараркундаларга қарши таъсир этувчи моддаси *Imidacloprid+lambda-cyhalothrin* бўлган кимёвий препаратлардан: Антиклорад Макс, сус.к. 0,1-0,15 л/га, Борей, 20% сус.к. 0,12 л/га сарф меъёрида қўллаш тавсия этилади.

Олиб борилган кузатувларимиз мобайнида вилоятлар ва туманлар кесмида зараркунандаларнинг тарқалиш ареали ўрганилди. сўнгги йилларда буғдойзорларда зарарли хасва, буғдой трипси ва ғалла шираларининг ўсимликларда учраши ва зарар келтириши анча юқори эканлигини аниқланди. Республикамизнинг ғалла агробиосенозида буғдойнинг хавфли зараркунандалари тўлиқ шаклланиб бўлган эмас. Шунинг учун доимий равишда зараркунандаларнинг тури ва тарқалишини ўрганиб боришни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Anbessie D, Abebe M, Dechassa H (2020) Effect of Plant Population on Growth, Yields and Quality of Bread Wheat (*Triticum aestivum* L.) Varieties at Kulumsa in Arsi Zone, South-Eastern Ethiopia. IJRSAS 6(2): 32-53.
2. Getahun D (2020) Predictions of climate change on agricultural insect pests Vis-a-Vis food crop productivity: A critical review. Ethiopian J of Sci and Sustainable Development 7
3. Kumar P, Sarangi A, Singh DK, Parihar SS, Sahoo RN (2015) Simulation of salt dynamics in the root zone and yield of wheat crop under irrigated saline regimes using SWAP model. Agric Water Manag 148:72–83
4. Kundu PK. Acharjee TK, Mojid MA. Growth and yield of wheat under irrigation by sugar mills wastewater. Progress Agric. 2006; 24(1-2):211-218.
5. Lowe H. The assessvent of populations of the aphid *Sitobion avenae* in field trials// J. agr. Sc. – 1984. - № 2. – P.487-497.
6. Miedaner T, Akeel W, Flath K, Jacobi A, Taylor M, Longin F, Würschum T (2020) Molecular tracking of multiple disease resistance in a winter wheat diversity panel. Theoretical and Appl Genetics 133(2):419–431.
7. Osmolovsky G.E., Bondarenko N.V. Entomology. 2nd ed., reprint. and additional. L.: Kolos: Leningrad department, 1980. - P.359
8. Polyakov I. Ya., Persov M. P., Smirnov V. A. Forecast of development of pests and diseases of agricultural crops (with a workshop): textbook for higher agricultural educational institutions in the specialty «Plant protection». L.: Kolos, 1984. - P.318

9. Stamenkov, S. & Pankovi, L. 1991. Evaluating of wheat and barley resistance to the cereal leaf beetle (*Lema melanopus* L.). Zbornik radova Instituta za ratarstvo i povrtarstvo, Novi Sad, 19:247-251.
10. Tunio SD, Korejo MN, Jarwar AD, Waggan MR (2006) Studies on indigenous and exotic weed competition in wheat. Pak J Agri Biol 5(4): - P.1-8.
11. Бондаренко Н.В. “Биологическая защита растений”. Колос 1978 й. - С.176-178.